

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# **ҚарДУ ХАБАРЛАРИ**

**Илмий-назарий, услубий журнал**

**Журнал 2009 йилда  
ташқил этилган**

**Йилига 4 марта  
чоп этилади**

**МАХСУС СОН**

**Қарши – 2021**

## САИД АҲРОРИЙНИНГ “АДЛИЯНИ ИСЛОҲ ЭТМАК ТЎҒРИСИДА” МАҚОЛАСИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Раҳмонов К. Ж. (БухДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *истиклол фидоийси, адлия, инқилоб, қозилар, шарият, порахўрлик, халқ қурултойи, Халқ Нозирлар Шўроси, дастуриламал, комиссия, никоҳ ёши, хотинлар шўъбаси, тергов, замонавий кадрлар, шўро маҳкамалари*

XX аср тараккийпарвари ва маърифатпарварлари орасида ношир ва матбаачи Муҳаммад (Маҳмуд) Саид Аҳрорий (1895-1931) муносиб ўринга эга. Истиклол фидоийси С. Аҳрорий 1918-1931 йилларда “Турк сўзи”, “Иштирокиюн”, “Учқун”, “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро”, “Зарафшон”, “Қизил Ўзбекистон” газеталарида ҳамда “Аланга”, “Маориф ва маданият”, “Маориф ва ўқитувчи” каби журналларда ўнлаб мақолалар, бади ва шеърлар эълон қилди. Саид Аҳрорий БХСР ҳукумати даврида ўткир ижтимоий муаммолардан бири - адлия масаласини ҳам ислоҳ қилиш тарафдори бўлган. Унинг “Озод Бухоро” газетасида чоп этилган “Адлияни ислоҳ этмак тўғрисида” номли салмоқли мақоласида [1] бу соҳадаги муаммолар очиб ташланган. Мазкур мақола манбавий аҳамиятига кўра долзарб эканлигини инобатга олиб матндан олинган парчалар орқали мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз. “Ўзгариш (инқилоб-К.Р.)дан кейин ҳам бурунги қозилик маҳкамалари битирилмасдан адлия ишларини озгина ислоҳ қилмоқдан иборат бўлиб қолгандур. Булар ўзгаришнинг биринчи йилларида етарли бўлсалар ҳам тўртинчи йилдаги ўшал эски ҳолда яшамок учун чидам йўқдур. Сўзнинг тўғриси айтганда бу ҳоллар айниқса сўнгги кунларда кўрар кўзга ёмон таъсир кўрсатадур. Шунинг билан биз адлиянинг бундан илгариги аҳволини мақтамоқчи эмасмиз. Адлия назорати виждон ва ҳуқуқдан баҳс этиб шунга кўра муомала юритатурғон бир муассасадур. Эсизким, шундай бўлатурғон унинг ишчилари ҳеч бўлмағонда ўзгариш кунларида қўлланила бошлонғон виждоний низомларни давом эттира олмасдан бошқа назорат (нозирлик)ларга қараганда ёмон ҳолларда қолдирилғонлар. Бурунги эски қозилар ўрнига бошқа қозилар тайин этилган эсада, эсизким жуда кўпларида янги дастурамаллар ва қонунлар тузилиб қўллариға берилмаган. Маҳаллаларга йўлбошчилик қилишга ярайтурғон таълимот юборилмоғондур. Жуда кўп қозиларнинг қўлларида бирон нарса бўлмағонлиги бу иддаони исбот этадур. Қозилар эса гўё шарият юзасидан ишлашга бошлоғон каби кўринсаларда ишларини эски йўллар билан давом эттира турганлар. Айтиб бўларким, қозилик ҳукм маҳкамаларини ишлари бурунги вақтдагилик қола бергандур. Қозихоналарда ҳозирда ҳам порахўрлик ва ёмон гувоҳлик кўриниб турадур. Маҳалла оқсоқолларининг бурунги ҳуқуқбузарликлари ҳали ўртадан кўтарилмагандур. Қозиларга қатнай бериб ҳақини қозона олмоғон камбағаллар, бевалар, ёш хотунлар ниҳоят оқсоқолларнинг қарорига рози бўлиб мол ва жонларидан айриладурлар. Қозиларимиз ялқов ва қозихонадаги ишчиларнинг кўплари йўқсул ва кимсасизлар учун текшириш ясаб бош оғритмоқ истамайдурлар. Лунжларидаги носни ҳам ўтирғон кўрпачаси остиға тупуриб, охиратни кутган бундай ғайратсиз қозиларнинг касофатиға кўп бечоралар қозилар адлия маҳкамаларидан узоқда юриб ўз тақдирларини инсофсиз гузар оқсоқоллари билан хусусий раиятчи муфтиларга топширғонлар.

Бутун жумҳарият ичида 57 та қозихона бўлғон ҳолда фақат 4 тагина шўро маҳкама бордур”[2].

Саид Аҳрорий бу ўринда БХСР ҳукумати йилларида ҳам суд-адлия ишларида туб ўзгаришлар амалга оширилмаганлигиға эътиборни қаратган. У қозилар ва қозихоналар тегишли қонун ҳужжатлари билан таъминланмаганлиги, ушбу идора мутасаддилари порахўрлик ва мансабини суистеъмол қилишдан қутулмаганлигини таъқидлайди. Қозихоналар эскича тартибда ишлаш асносида уларда касбий ва маданий этикет етишмаслиги далилланади. Адлия идораси ходимлари адлия маҳкамасиға даҳли бўлмаган гузар оқсоқоллари ва муфтийлар билан ҳамкорликда халқни шилиб келаётганлиги афсус

билан қайд этилади. Янги адлия маҳкамаси 4 тадан ошмаганлиги бу соҳада ислоҳотлар деярли юз бермаганлигига мақолада алоҳида урғу берилган.

“Бу кунларда бутун шўро жумҳуриятларида жорий бўлгон қонунлардан бир нечтагинаси тузатилиб қабул этилган эсада амалга қўйилмоқ нари турсун, ҳали ерли тилга таржима этилгани йўқдур. Тўртинчи халқ қурултойида қозилик ислоҳоти музокара этилиб билвосита халқнинг ўз иштироки, яъни сайлов йўли билан бўлиши, халқни йиғиб ўз кўли билан ҳозирги давом этиб турғон қозиларни янги сайланғувчи қозилар билан алмаштирмак, яъни бу янги сайланатурғон қозиларни халқни кўли билан тасдиқ қилмоққа қарор қилинғон эди. Орадан уч ой ўтган ҳолда марказда бу тўғрида бирон ташаббус кўринмади”.

Муаллиф адлия соҳасидаги қонунлар ғайримиллат тилида эканлиги, маҳаллий кишилар уни тушунмаслигини қайд этар экан, қозиларни сайлаш ҳақиқий виждон ва ҳуқуқий эркинлик бўла олишига кафолат беради.

“Газета орқали неча бора шикоят этилган эсада ҳозиргача уйланатурғон эр ва хотунларнинг ёшдаги нисбатлари, қизларнинг неча ёшда эрга беришлари, кундошларнинг мавқеи ва ҳуқуқлари тўғрисида бирон қонун чиқарилмади. Бу ўзгаришга, виждонга, халқнинг турмушига қарши жуда катта бир жиноятдур. Қисқаси шудурким, ҳар ҳолда қозилик ишларини ислоҳ этмак керак бўлди. Халқнинг ҳаётини адолатли ҳукмлар ва маҳкамалар билан таъмин этмак тўғри келди. Мана шунинг учун Халқ Нозирлар Шўроси жуда фойдали ва қатъий бир қарор чиқарди. Бу қарорга кўра адлия назорати маҳаллалардаги қозихоналарни текшириб яхши йўлга солмоқ учун жуда тезлик билан дастурамаллар тузиб айрим хайъатлар чиқаришга тегишдур. Комиссия ва дастурамалларнинг ишига асос модда бўлсин учун шулар белгиланди:

- 1) Қозиларни мумкин мартаба халқ томонидан сайлатмак.
- 2) Янги маҳкама усулларини қатъий этишнинг чораларига киришмак.
- 3) Бутун адлия қонунларини таржима эттириб тарқатмак.
- 4) Порахўрликни бутунлай ўртадан кўтармак”.

Саид Аҳрорий никоҳ, никоҳ ёши билан боғлиқ махсус қонун чиқариш, кўпхотинликни таъқиқлаш билан боғлиқ фармон бериш янги ҳукуматнинг муҳим тадбири бўлиши кераклигини зурурат деб ҳисоблайди. У махсус комиссиялар фаолияти билан боғлиқ дастурларни маъқуллар экан, қозиларни сайлаш тартибини жорий этиш, янги адлия маҳкамалари тузиш, адлияга оид қонунларни таржима қилиш, порахўрликни тугатиш соҳа ривожини ва тақомилининг асоси деб қарайди.

Шунинг муносабати билан биз ҳам комиссиянинг ишига ўз тилагимизни кўймоққа бўламиз:

- 1) Қозиликнинг хорижий кўринишига тикилмасдан фақат доҳилий ишлари тузатилсун.
- 2) Маҳалларда бўлғуси қозилар сайлови вилоят ижроқўмларининг тасдиғига тобе қилинсун.
- 3) Ҳали тузилмай қолгон баъзи шўро қонунлар кераклиси тузилсун.
- 4) Ҳар турли айб ва жиноят терговларнинг ишлари кўпга чўзилмасдан тезлик билан тегишли ҳукм ва қарорнинг чиқарилиши тўғрисида қатъий чоралар кўрилсун.
- 5) Хотунлар шўъбаси ва ҳавзолсиҳат идораси вакилларининг иштироки билан хотун-қизларнинг эрга бериш ёшлари қонуний равишда белгиланиб эълон этилсун”[3].

Саид Аҳрорийнинг ушбу мақоласи таҳлил қилинар экан, қуйидаги якуний хулосаларга келиш мумкин:

1. БХСР ҳукуматининг тўрт йиллик мавжуд бўлган даврда ҳам адлия соҳасида қонунчилик асослари тўла яратилмаган, мавжуд қонунлар аксарияти маҳаллий тилда бўлмаган, мавжудлари таржима қилинмаган.

2. Республика вилоят, туман ва кентларида замонавий кадрлар кўнимсизлиги туфайли адлия ишлари эски қозихоналар тасарруфида бўлиб, шўро маҳкамалари бармоқ билан санарли эди.

3. Қозилар орасида порахўрлик, маҳаллий бошқарувчилар билан келишиб оддий халққа нисбатан адолат қилмаслик ҳолатлари мавжуд бўлган.

4. Адлия соҳасини ислоҳ қилиш учун қонунчилик ишларига ҳукумат томонидан етарлича эътибор бўлмаганлиги туфайли бу матбуотда долзарб мақола ёзилишига сабаб бўлган.

Саид Аҳрорийнинг биз бир қадар таҳлил қилган мазкур мақоласи БХСРда ҳуқуқ-тартибот масалалар аҳволини ўрганишда манба бўла олади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аҳророва Х. Изларингни излайман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002 йил 11 феврал; Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатағон қурбонлари ҳақида лавҳалар). -Т.: Ўзбекистон, 1991. -Б.96.
2. Маҳмуд Саид Аҳрорий.Адлияни ислоҳ этмак тўғрисида//Озод Бухоро, 44-сон, 1924 йил 6 феврал.
3. Ўша мақола

#### **Резюме**

**Раҳмонов К.**

#### **Саид Аҳрорийнинг “Адлияни ислоҳ этмак тўғрисида” мақоласи хусусида айрим мулоҳазалар**

Мазкур кичик тадқиқот ишида ношир ва матбаачи, “Бухоро ахбори” (1920-1923) газетасининг масъул муҳаррири Маҳмуд Саид Аҳрорий томонидан БХСР расмий матбуот органи ҳисобланган “Озод Бухоро” газетасининг 1924 йил 6 феврал сонидан чоп этилган “Адлияни ислоҳ этмак тўғрисида” номли йирик мақоласи таҳлил қилинади. Саид Аҳрорийнинг мазкур танқидий руҳдаги фикр-мулоҳазалари манбавий аҳамиятига кўра долзарб эканлигини инобатга олиб, матндаги айрим парчалар ўз ҳолича берилган. Шунингдек, мазкур мақола мазмуни ва таҳлиладан келиб чиқиб, БХСР ҳукумати давридаги ўткир ижтимоий муаммолардан бири - адлиянинг ҳолати тўғрисида тегишли якуний хулосаларга келинди.

#### **Резюме**

**Раҳмонов К.**

#### **Некоторые комментарии к статье Саида Ахрари о реформе правосудия**

В данной небольшой исследовательской работе анализируется большая статья издателя и ответственного редактора газеты «Бухоро ахбори» (1920-1923) Махмуда Саид Ахрори, опубликованная в официальном печатном органе БНСР газете «Озод Бухоро» 6 февраля 1924 года под названием «О реформировании юстиции». Принимая во внимание, что данные мысли и предложения, Саида Ахрори выраженные в критическом духе имеют источниковедческое значение, некоторые части текста переданы без изменений. Также на основании содержания и анализа данной статьи были сделаны соответствующие выводы по поводу состояния юстиции - одной из самых острых социальных проблем в период правительства БНСР.

#### **Resume**

**Rahmonov K.**

#### **Some comments on Said Ahrari's article on the reform of Justice**

This small research paper analyzes a large article by the publisher and executive editor of the “Bukhoro Akhbori” newspaper (1920-1923) Mahmud Said Akhrori, published in the official press organ of the BPSR newspaper “Ozod Bukhoro” on February 6, 1924 under the title “On Reforming Justice”. Taking into account that these thoughts and proposals, expressed in a critical spirit by Said Akhrori, have a value as a historical source, some parts of the text are reproduced without changes. Furthermore, appropriate conclusions were drawn about the state of justice – one of the most important social problems during the government of the BPSR – based on the content and analysis of the article.

*Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган*

## **XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР**

**Рашидова Ф. Ш. (СамДУ)**

**Таянч сўз ва иборалар:** капитал, саноат корхоналари, фирма, воситачилик, миллий таркиб, завод-фабрика саноати, хорижий фуқаролар

Айтиш керакки, 1917 йилга қадар Туркистонда озиқ-овқат саноати суёт даражада ривожланган. Ушбу саноат типига вино, узум шарбати, пиво ишлаб чиқариш, колбаса

<b>Намазов Ш.</b> Миллий тараққийнинг янги босқичида фуқаролик жамиятининг ривожланиши.....	92
<b>Номозов Х.</b> Shaxs ma'naviyatida kitobxonlik madaniyatining o'rnı.....	94
<b>Омонов Б.</b> Давлат экологик сиёсатининг ташкилий-институционал асослари ва уларнинг функционал алоқадорлиги.....	95
<b>Орзиев М.</b> Афғонистон давлатининг ташкил топиши ва XVIII аср иккинчи ярмида Бухоро-Афғон муносабатлари.....	99
<b>Пайғамов Ш.</b> Ўзбекистон иқтисодий ҳудудларида иқтисодий кенгашлар фаолияти.....	101
<b>Пардаев Т.</b> Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қишлоқ аҳолиси ижтимоий турмушидаги ўзгаришлар жараёни (XX асрнинг 50-йиллари мисолида).....	104
<b>Пирматов Д.</b> Налоговая политика в Туркестане в период управления К.П. фон Кауфмана: проблемы и пути их решения .....	107
<b>Панжиев А.</b> Совет давлатида иккинчи жаҳон урушининг бошланиши.....	110
<b>Равшанов А.</b> Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	112
<b>Раджабов О.</b> XX аср рус тарихшунослигида “Қатта ўйин” масаласи.....	115
<b>Раджапова М.</b> Абу Мансур ал-Мотуридийнинг билиш назарияси.....	117
<b>Раимова М.</b> Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланиш истикболлари.....	119
<b>Рахимов Б.</b> Туркистон генерал-губернаторлиги Каспийорти вилоятига сургун қилинган маъбуслар ва биринчи жаҳон уруши асирлари.....	121
<b>Рахматова Д.</b> Геосий тадқиқотларнинг илмий назариялари.....	124
<b>Расулова М.</b> Қашқадарёда туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги.....	127
<b>Раҳмонов К.</b> Саид Аҳрорийнинг “Адлияни ислоҳ этмак тўғрисида” мақоласи хусусида айрим мулоҳазалар.....	130
<b>Рашидова Ф.</b> XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистон ўлкаси саноат тармоқларида хорижий инвестициялар.....	132
<b>Соатов Ғ.</b> Инсонийлик ва илоҳийлик, уларнинг муштараклиги.....	136
<b>Сагдуллаев А., Шайдуллаев А., Тоғаев Ж.</b> Сурхон воҳаси ёдгорликларининг районлаштириш масалалари.....	138
<b>Самадова Н.</b> Алихонтўра Соғуний қарашлари ҳақида айрим мулоҳазалар.....	142
<b>Самаров Ф.</b> Мозийдан ҳикоялар ёхуд қарши шаҳридаги “Кўк-гумбаз” жоме масжиди қурилиши ҳақида.....	144
<b>Собирова Д.</b> Ўзбекистонда XX асрнинг 40-60 йилларида хотин-қизларнинг таълим соҳасидаги иштироки.....	146
<b>Тўраева М.</b> Ўзбекистон жанубий ҳудудларида театр санъатининг шакилланишга доир мулоҳазалар.....	147
<b>Тураев Ш.</b> XVI аср Европа сайёҳи Антонио Женкинсоннинг саёҳат кундалиқларида Хива хонлигининг тавсифи.....	150
<b>Тошева Ш.</b> Маънавий юксалишда таълим, илм-фан ва маданиятнинг қонунчилик асосларининг мустаҳкамланиши.....	153
<b>Турсунова Ш.</b> Давлат очиклигини таъминлашда ОАВ нинг ўрни ва роли.....	156
<b>Ташкенбаева Д.</b> Вклад Американского исследователя Эдварда Олворта в изучение истории Туркестана XX века.....	159
<b>Ташкенбаев Т.</b> Методы классификации мировой научной литературы по вопросам образования в Туркестане в трудах отечественных, российских и зарубежных исследователей.....	162
<b>Тажимирзаев Э.</b> 1960-1980-йилларда Ўзбекистон қишлоқларида маданий муассасалар фаолияти (кутубхоналар мисолида).....	166
<b>Тоғаев Ш.</b> Фалсафа таълимини ривожлантиришнинг ташкилий-услугий масалалари...167	
<b>Худойқулов Т., Халилов Ж.</b> Ўзбек хонликлари давлат бошқаруви тизими ва концепцияси.....	171